Айниқса, жиноятни амалга ошираётган ҳар учинчи ўсмирнинг ҳеч қаерда ўқимаётганини ишламаётгани хавотирлидир. Ўсмирларнинг беэорлиги борасидаги энг юқуш ҳолатларини Миробод районидан 126, Мирзо Улуғбек районидан 12, 207, Шайхонтоҳур районидан 34, Сергели районидан 33, Акмал Икромов районидан 189 ҳамда қатор ҳунар-техника билым юрталарида кўришимиз мумкин.

Очиг таъин олиш керакики, бу ва бошқа салбий ҳолатлар амалга оширилаётган ишлар ўсмирлар жиноятчилигини жиддий барҳам бериш учун лозим бўлган даражада олиб борилаётганлигини далиллат беради. Дард устига чиқон деганларидек, вояга етмаганлар билан ишлаш район инспекцияларининг назоратчилари автотранспортларнинг йўлини тўғри йўл қилиб қолган, кўчаларга ташлаб кетилган болаларни болалар уйлари, қабул қилиш ва тақсимлаш хоналарига етказишда жиддий қийинчиликларга учрамоқдалар. Бир неча йил-

дири назоратчилар таркибининг ишлаши учун етарли шарт-шароитлар яратиб мақсадда маблаг ажратилмайти, бинобарин, болаларни тўла таъмирдан чиқариш учун ҳам маблаг йўқ...

Мажлисда ўсмирлар билан жиноятнинг олдини олиш тадбирлари бўш ўтказилаётганлигининг бошқа сабаблари ҳам айтиб ўтилди. Масалан, ҳар хил тўғаракларнинг, спорт секцияларининг пулли бўлаётганлиги сабабли болалар бўш вақтларини фойдаланмай, машғулот билан шуғулланиш орқали ўтказолаётганлиги. Алоҳида, ҳамма ота-оналар ўтказолаётганлиги тўғрисида ва секцияларда шуғулланишлари учун катта пуллари тўлаш имконияти эга эмаслар. Натигада болалар ўз хоҳишларига қўчаларда санчиб юрадилар. Беэорликнинг жиноятга йўл очиб эса ҳаммага маълум.

Мажлисда сўзга чиққан ноиблар ва таклиф этилганлар ўсмирлар билан ишлашни тубдан янгилаш учун имкон яратадиган бир қатор аниқ таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар. Жумладан, ўсмирларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишлари ёни тўғаракларда банд бўлишларини таъминлайдиган комплекс дастур ишлаб чиқиш ҳамда вояга етмаганлар билан ишлаш район инспекцияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кераклиги ҳақидаги мулоҳазалар билдирилди.

Мажлисда вояга етмаганларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Ноиблар томонидан шаҳримиздаги корхоналарда ўтказилган текширувлар натижасида маълум бўлдики, ҳамма жойда ва ҳар доим ҳам меҳнат ҳақида қонунчиликка риоя қилинмаётган экан. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати, В. П. Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларида вояга етмаганлар иш режими, уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш юзасида ва яна бир қатор қонунларнинг бузиш ҳоллари дуч келинди. Шунинг ҳам таъинли бўлиши лозим. Бу борда энг катта камчиликлар Тошкент тўқимачилик комбинатида йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Юқоридаги корхоналарда шунингдек, аёллар меҳнати ҳақидаги қонунчиликка қандай риоя қилинмаётганлиги ҳам муфассал текширилди. Аниқланган барча камчиликлар корхоналарнинг раҳбарларига маълум қилинди ва улар ҳозир ноиблар комиссиясининг назорати остига олдин.

Мажлис сўнггида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича комиссиясининг раиси Борис Пинхасов ўзини таъинлидан кейин, шу кун ва теъдда ҳалқ эътибори талаб қилди. Комиссиянинг бундан кейинги фаолиятида мажлис қатнашчилари билдирган таъин мулоҳазалар алоҳида ишларга олиниди ва бу йўналишдаги ўсмирлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш масалаларини икбий ҳал этишда катта қўмак беради.

Гульнора УСМОНОВА.

Кўна Тошкент шаҳрининг ҳозирги Алишер Навоий кўчаси билан Абдулла Қодирий шоҳқўчалари оралигида монументал меъморийлик иншоотлари туркумидан ташкил топган Шайх Хованд Тоҳур (Шайхонтоҳур) қабристони номи билан машҳур бўлган меъморий гуруҳ жойлашган. Илгари бу мавзе шаҳарнинг энг гажув, обод ва жоизабали жойларидан бири бўлиб, унда йигирмадан ортиқ ноёб меъморийлик ёдгорликлари: мақбаралар, масжидлар, мадрасалар, савдо-соғиқ расталари, минора ва бошқа турли-туман бинолар мавжуд бўлган. Мазкур мавзе ўзининг асрий чинорлари билан ҳам машҳур эди.

Бизнинг замонамизга келиб бу ансамблдан фақат уч обида — Шайх Хованд Тоҳур, Юнусхон ва Қалдирғочий мақбараларигина сақланиб қолган ҳоло, бошқа бинолар эса вақт ўтиши билан турли сабабларга кўра хусусан мавзени қайта таъмир қилиш баҳонаси билан атайин бузиб ташланган. Юқорида келтирилган ҳар бир меъморий ёдгорлиқнинг ўзига хос тарихи бор. Биз бугун Шайх Хованд Тоҳур мақбараси ҳақида қисқача қилмоқчимиз.

Монументал меъморийликнинг ҳозиргача сақланиб қолган аjoyиб ёдгорлиги Шайх Хованд Тоҳур мақбараси гуруҳи дарвозаси билан деярли ўзаро бир ўқда ётган Юнусхон мақбарасининг шарқий томонида жойлашган. XIV асрда яшаб ўтган Шайх Хованд Тоҳур ўша вақтларда Шох шаҳрида энг муътабар, ўз даврининг ўқимини шаҳарларидан, кўзга кўринган дин уламоларидан бири бўлиб, у урф-одат, одоб-ахлоқ мавзига онд китоблар, ҳатто шеърлар ҳам ёзган маълум. Шайх Хованд Тоҳур вафот этгандан сўнг бироз вақт ўтгач у киши дафн этилган кўрмисиз мазор мурид ва шогирдлари томонидан ободонлаштирилиб кенгайтирилди, турли ҳажмадаги бинолар қурилиб, шаҳарнинг энг катта қабристонига айлантирилди. XIV асрнинг охирида бу ерга Шайхонтоҳур номи берилди. XIX асрга келиб эса шаҳарнинг кўзга кўринган даҳаларидан йирити у кишининг номлари билан юртылганлиги унча узоқ бўлмаган тарихдан яхши маълум.

1355 йил (756 йил ҳижрий) вафот этган Шайх Хованд Тоҳур ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлиқ районининг тоғли Боғистон қишлоғидан бўлиб, Шайх Умар Парранданнинг ўғлидир. XV асрнинг иккинчи ярмига келиб унинг қабри устига она алоқидан қариндош бўлиш Хўжа Убайдулло Аҳрор томонидан ихчам ва нақшинок қилиб мақбара қурилди. Мақбара бўёбд этилгандан бери неча марта таъмир қилинди ва тузатилиди. Кўп йиллар давомида олиб борилган қимий иланишлар, археологик назишлар ҳамда тарихий мақбара шунинг кўрсатадики, мазкур иморат аввалдан мавжуд бўлган бино пойдевори устига 1842—1845 йилларда Кўзон хонининг лашкари боши Мусулмонкул киши томонидан қайта қайта қурилган. Шайх Хованд Тоҳур ўғилларининг қабрлари ҳам шу мақбара атрофида бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Булардан ташқари мақбаранинг шимолий томонидан Шайхонтоҳур номи билан юртылиб, доимий оқиб турувчи шифобахш зилол сув ариғи бўлиб, унинг бўйида беш юз йиллик қадимий катта чинорлар қабристонга соя-салқин солиб, қатор тизилиб турган.

Асрмизнинг 30-йилларига келиб, меъморий обида ёнига ҳуқуқшунослик институти биноси қурилгач, мақбара атрофи турли мақсадларда фойдаланиш учун мослаштирилди. Унинг атрофидаги кўпдан-кўп сағаналар текислиниб қолган бадал-тарбия билан шугулланувчилар учун машқ майдонига айлантирилди. Мақбаранинг шимолий томонида жойлашган мезанали минора худди шу йиллари бузиб ташланди. Шу тариқа жафоқаш халқимизнинг не-не фарзандлари дафн этилган қадимий ва муқаддас мазор секин-аста оёқ ости қилиниб, зор-зор қақшатилади.

Мақбаранинг ташқи бичими асосан тўғри поғона шаклида бўлиб, турли ўлчамдаги икки хонадан иборат. Мақбара томи катта-кичик гўмбазлар билан ёпилган. Улардан каттароғи зияратхона, кичикроғи эса гўрхонадир. Зияратхона томи қўш гўмбазли: ичкисига яси, ташқисига эса ўн икки қиррали гўмбаз ўрнатилган. Ташқи гўмбаз асосига аввал саккиз томонли сула, сўнг ўн икки қиррали гўласимон пойгумбаз, унинг устига эса худди шунча қиррали найзасимон гўмбаз ўрнатилган.

Сиз олди кўринишга эга бўлиб, ичкарисига ёруғлик тушилиши учун панжаралар ўрнатилган, орқа томондан томга чийиш учун зинапои ишланган. Бино асосан чорсилли турли ўлчамдаги пишиқ гиштардан дой қоримасида тикланган. Равоқли пештоқ ичига ишланган ўймакор эшикдан кирилгач саккиз бурчакли зияратхона жойлашган. Ҳар бурчак томонларида биттадан, жами саккизта равоқи тоқчалар ишланган, улардан туртгиси чуқур — 1,80 метрли ярим саккиз қиррали бў-

кирилади. Гўрхона тархи тўғри бурчак шаклида бичилган бўлиб, турт томонида равоқлар ишланган, улардан жанубий томондагиси қолганларига нисбатан чуқурроқдир. Бу хона деворлари ва гишт чоклари ҳам сувоқсия қолдирилган. Гўрхона ичида 1810 йили вафот этган Юнусхўжа ва унинг ўғли Тошкент ҳокими Султонхўжанин қабрлари жойлашган.

Шайх Хованд Тоҳур ва Қалдирғочий мақбараларини ўзаро бирлаштириб турувчи кўп устулли ва ўсимли нақшинок Оврат масжиди 1966 йили бўлиб ўтган кучли зилзила натижасида қаттиқ шикастланганлиги сабабли бузиб ташланган. Бу масжид 1908—1910 йиллари Наманган вилоятида астиқор қилувчи Ҳожиқат эшон томонидан охирига етказилиб қайта тикланди. 1912 йили эса яна Ҳожиқат эшон ташаббуси билан унинг маблагига Шайх Хованд Тоҳур мақбарасида ҳам тўлатуқис таъмирлаш ишлари саво ҳуҷ амалга оширилди, бироз шикастланган зияратхона гўмбазининг ташқи сирги туяна билан чиройли қилиб қопланади.

1980 йили меъмор Л. Сипова ва К. Юсуповлар лойиҳаси асосида ёдгорлиқни таъмирлаш ишлари бошланиб, обидани аввалги ҳолига иложи борича қайтаринишга ҳаракат қилинди. Мақбара тартибга келтирилди, тевақаратрофи тазолашиб, ариқлар очилди, гуллар экилди, ёдгорлик йўлчалари бўйлаб чироқлар ўрнатилди, асфальт ётирилди. Бир сўз билан айтганда бу жой — тарихимиз узоқ бўлса, унинг бир кўзи — покзаланиб, узоқ-яқиндан келган одамлар учун зияратгоҳга айлантирилди.

Гўрхона гўмбаз янги хил металл парчаси устига феруза рангли сир берилиб тайёрланган қосиқлар билан безатилиши, таъмиршуносликда ўзига хос янгилик бўлди. Қосиқкорликда яратилган бу янги усул маданий ёдгорликларни таъмирлаш институти қишлоқда очилган қурилиш материаллари илмий-тадқиқот бўлимининг мудири, кимё фанлари номзоди Машқура Қўчқорова томонидан маромига етказиб ба-жарилди. Мана қарийб ўн йилдирки, бу қосиқлар соғуқ ва иссиқ таъсирга бардош бериб, ҳозиргача ўзининг феруза рангли сирини тўқмай, ялтираб турибди.

Кейинги йилларда Қалдирғочий ва Шайх Хованд Тоҳур мақбараси муҳофаза майдонининг бир қисми Тошкент бадийи буюмлар фабрикаси томонидан эгалаб олиниб, турли ҳажмадаги қабри бинолари қурилди. Мақбаранинг шарқий томонидаги қадимий сағаналар жойлашган ер текислиниб, иссиқхона қуриб, унда гул, боғнинг ва бошқа турли махсулотлар еттиштирилмоқда. Фабрика 1990 йили эса икки мақбара атрофидаги ерларни баланд темир панжара билан ўраб олиб, ўз ўрамига қўшиб юбормоқчи бўлди. Лекин кенг жамоатчилик талабига кўра мақбара майдони аввалги ҳолида сақлаб қолинди. Темир панжаралар эса ўрнатилганча жойида қолди. Уни олиб ташлашни ҳеч ким ҳаёлига келтираётгани йўқ.

1992 йилдан бошлаб, кўна Тошкентнинг энг катта районоларидан бири Шайхонтоҳур номи билан юртыли бошлангичи нур устига аъло нур бўлди. Бу билан кейинги 127 йил давомида оёқ-ости қилинган табаррук зотининг муборак номлари қайта тикланиб, удуғланди, руҳлари эса шод этилди.

Абдуҷаббор ЯҲЕЕВ,
Ҳамза Ҳажимзода Нисий номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти аспиранти.

СУРАТЛАРДА: меъморлар Каримберди Юсупов, Сайёра Дўстмуҳамедова ва Зулфия Абдурасуловалар янги лойиҳани муҳокама қилишмоқда; Шайх Хованд Тоҳур мақбараси.

Муаллиф суратлари.

** Тарихий обидалар—халқ мулки*

УЗУКНИНГ БИР КЎЗИ



Мақбаранинг бош фасади гарбга қаратиб, девор сатҳидан бироз бўрттириб чиқариб, унча катта бўлмаган (баландлиги 8 метр, эни 4,30 метр) пештоқ ишланган. Пештоқ ўртасига чуқурлиги 1 метрли равоқ ишланиб, унинг тепасига тимпан ва китобалар жойлаштирилган. Бинонинг ичига кириш учун ўймакор эшик, хона ичини ёритиш учун эса эшик тепасига панжара ўрнатилган. Пештоқнинг икки ёнидаги текис деворларни беэз мақсадда унча чуқур бўлмаган равоқлар ишланган. Қолган ташқи кўринишлари беэз-

либ, девор ичига жойлаштирилган. Хона ички деворлари сувалмасдан, гишт чокларига пардоз берилмай оқиб қолдирилган. Зияратхонанинг шимолий-гарбий бурчагида Шайх Хованд Тоҳурнинг қабри жойлашган. Қабрининг шимолий-шарқий бурчагида қуриб тош қотиб қолган муқаддас сарв дарахти сақланиб қолган. Зияратхонанинг ичиданги дарахт бу ер дастлаб усти оқиб олди мазор бўлганлигидан далолат беради.

Зияратхона ичиданги шарқий деворга ўрнатилган эшикдан гўрхона деб номланувчи хонага



бўлган. Собир акани фақатгина беморлар эмас, балки бирга ишлайдиган ҳамкасблари ҳам жуда қатъий ҳурмат қилишди.

— Мен Собир ака билан 1961 йилдан бери бирга ишлаб келамиз,— дейди катта ҳамшира Омна Зарипова.— Шунча йил мобайнида у кишидан бир оғиз бўлса ҳам қаттиқ гап эшит-



** Хотин-қизлар кенгашилари ҳаётидан*

ТАКЛИФЛАРГА АСОСЛАНИБ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган клубнинг навбатдаги учрашуви «Янги йил орзу-истаклари» деб номланди. Бу ерга тўлланган аёллар 1993 йилда ўзларининг амалга оширмоқчи бўлган режалари билан ўрнатилди. Янги йил ва файли ўтган даврани клуб раиси Муборак Юнусхўжаева бошқарди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган клубнинг навбатдаги учрашуви «Янги йил орзу-истаклари» деб номланди. Бу ерга тўлланган аёллар 1993 йилда ўзларининг амалга оширмоқчи бўлган режалари билан ўрнатилди. Янги йил ва файли ўтган даврани клуб раиси Муборак Юнусхўжаева бошқарди.

Давра иштирокчиси, шоира Нилуфар янги йилда қилнадиغان ишларни шундай баён қилди:

— Ўтган йилдаги қийинчиликларга қарамай, кенгашиимизнинг фаолияти анча

қувватландилар. Хотин-қизлар кенгашининг энг фаол иштирокчилари бўлган ижодкорлар ҳам янги йилда ўзларининг олдига қўйган вазифаларни ҳақида гапирди-лар. Жумладан, журналист Дилбар Маҳмудова хотин-қизлар клубига муносиб ном кераклигини айтиб, хотин-қизлар кенгашининг етакчи аъзоларидан бири бўлган марҳума Музайна Гофурова номини бериши, шунингдек, хотин-қизлар кенгаши қошида мазкур маркази тузишни таклиф қилди. Бу таклиф давра қатнашчиларига маъқул бўлди.

Хотин-қизлар клуби мазкур йилда «Аёл ва экология», «Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётидаги роли», «Миллий урф-одатларимиз — маънавий бойликларимиз», «Тарбия хондондан бошланади» каби мавзуларда иш олиб боришни режалаштирди.

Давранинг раисаси Муборак Юнусхўжаева жорий йилда хотин-қизлар фаолиятида энг яхши иштирок этган аёллар, хусусан шоира Нилуфар, Тошкент давлат университетини хотин-қизлар комитетининг раиси, доцент Ўқтамхон Домлақонова, Ўзбекистон ҳалқ артисти Рихси Иброҳимова, «Дугоналар» радиожурналининг муҳаррири Маглуба Исмолова, шоира Шарифа Салимова, хонанда Озода Бахриева-лар Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг фахрий ёриқчиларини топширди.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иккинчи котиби Музимжон Қирғизбоев ҳамда ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Хотам Абдураимовлар иштирок этишди.

Назира СОДИҚОВА.

СУРАТЛАРДА: хотин-қизлар клубининг учрашувидан лавҳалар.

Рустам Шарипов сурати.



хотин-қизлар кенгашининг фаолиятига назар ташлаб, ишларни ижобий баҳолашди. Жорий йилда буюқ шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллиги, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги, шунингдек бошқа тантаналарни ўтказишда,

олий ўқув юр்தлари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллаларда турли хил тадбирларни ташкил қилишда хотин-қизлар кенгашининг аҳамияти катта бўлди.

Учрашувда янги йилда амалга ошириладиган режалар аёлларнинг таклифлари асосида тузилди. Бундан шу нарса аён бўлдики, даврада иштирок этаётган ҳар бир аёлнинг кўзлаган ўз эгу мақсади бор экан. Булар асосан турмуш шароити ях-

жонланди. Қилинган ишларни санаб ўтормайман. Мен шу нарсани таклиф қилардимки, бу йилни Зебунисо йили деб атасак. Чунки, ўзбек аёллари ичида Зебунисодек билимдон, буюқ шоира йўқ. Унинг ижодини биз ҳали яхши билмаймиз. Шоиранин шеърларини чоп этириб, юбилейини ўтказасан.

Бундан ташқари ижодкор, истеъдодли аёлларимизнинг жамиятдаги маъқени кўтарсак. Мавзёларда, маҳаллаларда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни яхши билладиган шундай аёллар борки, биз уларни излаб топишимиз керак. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларидан доим хабардор бўлишимиз зарур. Бир сўз билан айтганда ўзбек аёли ҳаётда ўз ўрнини топсин.

Шоиранин таклифини давра қатнашчилари қўлаб-



Исон ҳаётида унутилмас, бир умр кўз ўнгидан кино лентасидек ўтиб турадиган воқеалар, лаҳзалар, хотира бўладики, у ана шу туйғулар билан доимо бахтли бўлади. Босиб ўтган умр йўлини сарҳисоб қилганда манжуният билан ул ўрин ётга олади. Бошга бирор иш тушганда, маъзун лаҳзаларда шу унутилмас қувончлар унга таскин беради. Уни ишанга, яхшилик қилишга даъват этади. Собир Умаровни биладиган, у билан бирга ишлайдиган, у кишининг «енили» кўларидан даво тоғайлар билан сўхбатлаган бу исон юқоридаги таврифта жуда ҳам мос келадиган шифокор эканлигига ишонч ҳосил қилди.

— Касбим ҳайдовчилик, 1-таксопаркада ишлайман,— дейди Абдувосит Қодиров.— Кейинги пайтларда кўзим ачинадиган бўлиб қолди. Аввалига элтибор қилмадим. Бу оғриқни чарчашига йўйдим. Лекин оғриқ секин-аста кучайиб борарди. Шунда мазкур бўлиб кўза касалликларини шифохонасига келдим. Шу ерда шифокор-ординатор Собир Умаровнинг қўлларидан даволандим. Бир-икки сўхбатдан сўнг Собир акадаги инсонийлик, бағри кенглиги, энг муҳими ширинсувлик бошқа беморлар қатори мени ҳам ўзига ром қилди. Ҳозир кўзим сопа-соғ. Ҳа, касбимни давом эттирилайман. Вунинг учун Собир акадан бир умрга миннатдорман.

Ҳа, яхши инсонларнинг оқарбоси бўлади. У доимо исонларини ўзига тор-тади. Абдувосит Қодировнинг гапларини тинглаб туриб бир воқеа ёнига

Бу ҳам шифокорнинг ширин сўзи билан боғлиқ. Шифохоналардан бирига келсак, бемор аёли тез ёрдам машинасида олиб келинади. Аввалинг аҳолини ёрдамга кўрсатишга оқиб эди. Бемор аёл ва унинг фарзандлари шифокорга умид билан қараб туришарди. Мана шу умидли кўзларга рост гапни айтишди, уларни яна ҳам тушунди. Шифокор эса улар ортидан маъносига тикилиб қолди. Шу воқеадан сўнг орадан уч-тўрт ой Навбатчилик энгил ташқирини, унга келтиришга тараддулданб турган шифокорнинг олдига

турибман. Мана кўрб турганимиздек сопа-соғ бўлиб кетдим. Раҳмат сизга, саломат бўлинг. «Аёл хайрлашиб чиқиб кетди. Шифокор эса ил бовар қилмас бу ҳолисдан мол бўлиб қолган эди. Шунда у ширин сўз жон оғиз деган нақл бекизи эмаслигига, беморда тузади бўлган ишончини уйғотин ҳар қандай дорилардан кўра муҳимроқ эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Собир ака Умаров ҳам бунга кўп бор ишонч ҳосил қилган. У ўзининг ширин сўзи билан қўлаб беморлар дардига даво

ИНСОНЛАР БЎЛАДИКИ...

— Мен таниясизми, дўхтир,— деди аёл у билан саломлашар экан.— Мени бир пайтлар оғир аълода қабуллингизга олиб келишган эди. Сиз эса ҳеч қандай оғир дардингиз йўқ, минерал сув ичиб турсангиз киёон деган эдингиз. Айтганингизни қилиб ҳар кун минерал сув ичиб

дурмон топиб келиш зарур бўлса уни айтинг, қаердан бўлса ҳам топамиз,— деди беморнинг фарзандларидан бири.

— Онангизга ҳеч қандай дардингиз кераги йўқ,— деди шифокор уларни танқилантириш учун.— Шифохонда ётмасалар ҳам бўлади. Ҳозир уйга олиб кетаверинглар.

* Хорижда БИТТАСИ ТЕКИН

«Биолет» номили печенье австриялик парҳезишнослар томонидан тайёрланган ва таркибидан турли дармондорилар, оқсизга бой ҳисобланади. Бу печенье-ларни Австралия, Фарбий Оврупо ва Америка Қўшма Штатларида парҳез оқват сифатида истеъмол қиладилар. У нилҳонтда мазадилар, туринида дармондорин оқват истеъмол қилиш имкони нам болалар учун нилҳонтда фойдалидир.

«Войлун» ширинати ўз дастурига биноан 1 килограмм печенье сотса, биттасини текнига берадиган бўлган. У шу мақсадда туринида дармондорин оқват истеъмол қилмайдиган балан мамлакатлар аҳолисини печенье билан бепул таъминлашга қарор қилган. Ана шу дастур бўйича ширинат бепул печенье юборадиган мамлакатлар қаторида Русия ҳам бор. Чунки, яқинда Русия ҳукумати мамлакатда мактаб болалари етарли озиқ-ов-

қат истеъмол қилмаётганлигини айтган эди. Мазкур дастурини мувофиқлаштириб турувчи Марк Вильсоннинг айтишича, печенье-лар мактаб ўқувчиларига ҳафтада олти кун беради.

Жаноб Вильсон яқинда Москвага борганида ширинат печенье-ларни бериладиган бир қанча мактабларга, болалар уйларига бориб, у ердаги қашшоқлик ҳолатининг гувоҳи бўлган. У болаларга озиқ-овқат етишмаётди, деган.

Жаноб Вильсоннинг айтишича, бир йил ичида мазкур дастур бўйича Русиянинг 50 минг нафар болаларига бепул печенье-лар берилади. Унинг фикрича, келгусида барча собиқ совет жумҳуриятларига ҳам бепул печенье-лар берилиши мумкин бўлар...

(«Садо», «Америка овози» радиостанциясини эшиттиришлари асосда).


Маҳмуджон РИХСНЕВ.

Маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий чемпионати қатор муаммоларни юзага чиқарди. Ҳар бир янгиликда бўлганидек, бу сафар ҳам мушкуллар кўп бўлди. Аммо улардан чиқарилган тўғри хулосалар, яқинлар келгуси режаларнинг муваффақиятини таъминлаш шубҳасиз. Унинг пойдеворини эса бугундан қўймоқ лозим. Шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистон футбол федерацияси иккинчи комитетини навбатдаги чемпионатни ўтказиш тартиблари масаласига бағишлаб йиғилиш ўтказди. Жамоатчи

ринчи июлгача янги чемпион ва совриндор жамоалар аниқланади. — **Чемпионат қандай тартибда ўтади?** — Ҳакамлар кенгаши икки хил вариантни таклиф этди. Биринчи вариант моҳияти шунданки, 16 жамоа 8 тадан бўлиниб икки гуруҳда бахшлашишлари ва гуруҳлар ғолиблари чемпион унвонини олиш учун майдонга тушишлари керак. Иккинчи вариант бўйича эса мусобақалар икки давралар тартибда ўтади. Биз ҳам кейингини маъқул кўрдик. Учинчи чемпионатдан бошлаб эса узилиб «Баҳор-куз»

Футбол-93

МИЛЛИЙ БИРИНЧИЛИК ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ЎТАДИ?



мухбиримиз федерация масъул котиби Қобилжон Рустамовга бир неча савол билан мурожаат қилди. — **Навбатдаги чемпионат биринчисида қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Шулар ҳақида баътафсилроқ маълумот берсангиз.**

тартибга ўтади ва масъум август ойдан бошланиб, йил охиригача биринчи давра ўйинлари ўтказилади. 1994 йилнинг февралдан эса иккинчи давра ўйинлари бошланади, баъҳорда чемпионат якунланади.

— **Мухаббатларни, шунингдек, биллур соврини, «Пахтакор-79» хотира турнири бахслари ҳам қизиқтарини таъбиқ...**

— Айтгандек, биллур соврин ўйинлари 7 февралда бошланади. Унда олий ҳамда биринчи лига жамоалари иштирок этишади.

— **«Пахтакор-79» хотира турнири эса исомий тарбия жамоалари ўртасида ўтказилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўтган мавсумда иккинчи лига жамоалари билан қасаба уюшмалари «Ўзбекистон» футбол бошқармаси шугулланган эди. Энди эса бу масалани ҳам республика футбол федерацияси ўз эътиборига олади.**

Иккинчи лига ўйинлари эса аввал шаҳар ва вилоятларда уюштирилади, ғолиб жамоалар ва Тошкент шаҳрининг икки кучли вакили биринчи лигага бериладиган уч йўлланма учун бахшлашадилар.

— **Сухбатингиз учун раҳмат. Ўзбек футбол равиқини йўлида амалга оширатган ишларингизга омад тилаймиз.**

Зарифжон ХИДИРОВ суҳбатлашди.



ЎЗБЕК МУСИҚА БЎЛИМИ

Кейинги пайтда республикада миллий музикани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу туфайли бу соҳада янгиликлар ярата оладиган, ижодкор, қобилиятли ёшларни намол топтириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. — Биз бу масалага жиддий ёндашяймиз. — деди 22-музика мактабининг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими мудири Норкул Ризаев. — Айниқса, билим даргоҳининг миллий музика бўлими ўз фаолиятини тақомиллаштиришга, ўзинида машғулот ўтказиш билан чекланиб қолмай, Миробод районидagi 214-мактаб қўшида ҳам миллий музика бўлими очилди.

Бундай ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Айниқса яратилган қўлайлик ўқувчилар ва ота-оналарга жуда қўл келди. Сабаби, 22-музика мактаб шайх марказида жойлашган, 214-мактаб эса қўйлиқ даҳасида. Айни пайтда илм масканидagi 70 нафардан ортиқ ўқувчи санъат сирларини эгаллапти. Қисқа фурсатда «Гуллола» дуторчи қизлар дастаси тузилди. Буни қарангки, миллий музика гуруҳига рус қизи Стелла Хохлова ҳам аъзо бўлди. У 1-синфда таълим олиш билан бирга рубоб чалишни ҳам ўрганмоқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурини, болаларда миллий музика асбобларига қизиқиш уйғотишда моҳир ўқитувчилардан Норкул Ризаев ва Маҳмадjon Бахромоваларнинг хизмати катта бўлганлигини, Уларнинг жонқурлиги туфайли болалар миллий халқ чолғу асбобларига қўйлар ижро этишни кўнгил билан ўрганиб боришадигани. Эътиборли томони, мактабда ўқитилган барча тадбирларда миллий музика ҳаваскорлари ўз дастурлари билан иштирок этишадигани.

Шавкат САЪДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: Норкул Ризаев рус қизи Стеллага рубоб чалишни ўргатишда; дуторчи қизлар дастаси. Холмат Мирзақаримов суратлари.



«О1» хабар беради Эҳтиётсизлик оқибати

Шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг хабар беришича, шу йил 1 январдан 7 январгача шаҳаримизда жами 35 та ёнғин содир бўлган. Уларнинг 8 таси ёш болалар айби билан, 7 таси электр асбобларининг ёқиқ ҳолда қолдирилганлиги оқибатида, 5 та ёнғин эса печалардан нотўғри фойдаланиш натижасида юз берди.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, кўпгина ота-оналар ёш болаларини қаровсиз қолдирганлиги, қиш мавсумида ишлатилмаган электр асбоблари, печалардан нотўғри фойдаланиш ёнғинлар чиқишига сабаб бўлган.

Шаҳаримиздаги хонадонларда бўлган ёнғинларнинг айримларини келтириб ўтамиз. Яқинқарорай район. Бобур кўчаси, 17-уй. 27-хонадонда 4 январь соат 15 дан 10 дақиқа ўтганда ёнғин чиққанлиги ҳақида райондаги 4-қисм ёнғиндан сақлаш бўлимига хабар берилди. Зудлик билан қилинган ҳаракатлар туфайли хонадон ташқи айвонининг бир метри ёнғиндан сўнг ёнғинга барҳам берилди. Хонадон соҳиби Наталья Шнейкнинг гапига қараганда 12 ёшли ўғли Артурнинг айби билан ёнғин чиққан.

Собир Раҳимов район, Орзу кўчаси, 31-уйда ҳам шу уйда истиқомат қилувчи Матлуба Раҳматованинг райондаги 41-мактабнинг 1-синфда ўқийдиган ўғли айби билан ёнғин содир бўлган. Натижада хонадоннинг 10 квадрат метр майдон ёнғиндан зарар кўрган. 5-бўлим ёнғинни учиртириш аъзоларининг тезкор ҳаракати туфайли ўт қисқа фурсатда ўчирилган.

Қиш мавсумида электр печалари, газ ва бошқа иситиш системаларини ёқиб, уни қаровсиз қолдириб қиш кетиши кўпгина ёнғинларга сабаб бўлмоқда. Бундай эҳтиётсизлик оқибатида, бузулган таъчилик шароитида хонадонлар катта моддий зарар кўриши шубҳасиз.

Шухрат ТОЖИЕВ, Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармасининг Давлат ёнғиндан сақлаш назорат бўлими назоратчиси.

ЭНГ УЗУН МЎЙЛОВ
Бари эллик ёшли Қалъан Раджининг кўзи операция қилинишидан бошланди. Шифокорлар унга яқин ҳафтагача яқин бош ювишга руҳсат этишмади. «Ундай бўлса соқол-мўйловни ҳам олишини ҳолати йўқ» деган қарорга келди Қалъан. Шундай қилиб у соқол-мўйловини ҳар кун тараб, парварши қилверди. Мўйлов ўстиришининг 16-йилидаги натижа бўйича унинг узунлиги 3 метр 27 сантиметрга етган. Ҳозирда у узун мўйловини боғлаб юрмаса, оёғига ўралиб юришга тўсқинлик қилар экан.

ГАРОИВ ВОЛА
Америка Қўшма Штатларида чоп этилган ҳафталикда қизиқарли хабар босилди. Чикаго қасалхонасининг тўғруқхонасида дунёга келган Адриан Сабин исмли гўдак беллидаги Қуёш системаси ҳаритаси барчанга эсанқиратиб қўйди. Дунёга машҳур илмий тадқиқот маркази мазкур воқеанинг рости ёки ёлғонлигини аниқлаш учун махсус ҳайъат тузди.

Хабарнинг тўғрилигига ишонтиришга уринган газета муҳбирлари қақалоқ ота-онасининг сурати ҳамда уларнинг манзилларига чоп этиб, бу воқеанинг барча тафсилотларига ҳам тўлаллигига ўрин беришди.

Жиноят ва жазо
ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛМАГАНЛАР
Ўғрилик содир этилди... Шайхонтоҳур районининг Самарқанд дарвоза, ЖИЗЗАХ тор кўчасидаги хонадонлардан бирини қўп-қўндуз кучи тўрт барваста йигит шип-шыйдам қилиб ўмариб кетишди. Ушбу ҳолиса бутун маҳалла ҳақини ҳайратга солди. Бир хонадонни шунчалик ҳам қайшатадими? Наҳотки шу хонадонга ўғрилган тўшганини ҳеч ким сезмади экан? Ўғрилган ҳам қачинмас экан-да?

Талончилар илгари ҳам ўғрилик қилиб судланган О. Анваров ва Н. Зайнутдинов деган шахслар бўлиб, улар икки ёш — Ф. Салоҳиддинов, А. Ҳасановларни ҳам ўзларига шерик қилиб олишди. Тўрт жиноятчи ҳеч ким йўқ деб ўйлаб қўндуз кучи келишди. Аммо натижа улар кутгандек бўлиб чиқмади. Айвонда қари кампир ухлаб ётганини кўриб, бир зум саросимага тушиб қолдишди. Лекин бунинг ҳам йўлини топишди.

Айвонда ухлаб ётган кампир ҳовлида номаълум кимсалар юрганини кўриб, уйғониб кетди. Шу пайт пойлоқчилик қилиб турган А. Ҳасанов бақирмасин, деб кампирнинг оғзинга латта тийди. Шериклари эса уйдаги кўзга кўринган барча қимматбаҳо нарсаларни енгил машинага ташиб бошлашди. Жўмладан улар видеокамера, куртка, тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо материаллар ва бошқа турли-туман нарсаларни машинага олиб кетишга ётганда қаёқдандир хонадон эгасининг ичкисина ўғли келиб қолади. Ҳовлилариди бегона одамлар юрганини кўриб бола ҳайрон бўлади. Кейин бунисини кўриб қолади. Буниси эса юн ҳолатда «қоч болам», деб қоборди. Шунда бола уйларига ўғрилган тўшганини сезиб қолди, катта ақасини чақиргани югуриб кетди. Улар еттиб келгунча, ўғрилган нарсаларни машинага жойлаб юфтанган ростилаб қолдишди. Шундан сўнг хонадон эгалари милицияга хабар беришди.

Милициянинг бир қанча сайт-ҳаракатларидан сўнг, текин-хўрлик билан бойлик орттирмоқчи бўлган бу ўғриллар қўлга олинди. Талончилар иши судга оширилди суд улар устидан ўз ҳўқмини ўқиди. Ҳар тўрттага судланувчи турли муддатга озодликдан маҳрум этилиб жиний жавобгарликка тортидилар. Аммо ўғриллар ўзларининг бу қора қилмишлари билан уй эгасига беҳисоб моддий ва маънавий зарар келтирилди. Бечора қари кампирни бунчалик қийнаш ахир разолат-ку. Наҳотки, уларнинг оғзинга бўлса-да раҳим келмади? Моддий зарарни қоплаш мумкин-дир. Лекин маънавий зиёни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдику!

Биз ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз, шу билан маънавий қадриятларимизни ҳам тикламоқчимиз. Бунинг учун соғлом тарбия топган инсонлар керак. Шу боис, жойларда кўпроқ тушунтириш ишлари олиб боришга ҳар хил жиноятлар сони қаймайиб миллий қадриятларимиз тўла тикланарди. Илгари бир болага етти маҳалла ота-оналик қилган. Шу азалий анъаналарга қайтиш вақти келмадимикан? Балки шундагина кўчаларда беҳавотир юрармиз?

Иззат АҲМЕДОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 14 январда чиқади.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

GERMANY ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИ
ҚУЙДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
Ш. РАШИДОВ КЎЧАСИ, 15-УЙДА
ЖОЙЛАШГАН
КОНСУЛЛИК-РУХСАТНОМА БУЛИМИ
1993 ЙИЛ 14 ЯНВАРДАН
ИШ БОШЛАЙДИ
БУЛИМНИНГ ИШЛАШ ВАҚТИ — ШАНБА ВА ЯҚШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ, СОАТ 9.00 ДАН 12.00 ҒАЧА.
Телефонлар: 39-44-56, 39-12-59, 39-46-50.
Телекс: 116517.

«Ўзбекистонга» уюшмаси Тошкент шаҳар ва вилоят ёнғин саноат корхоналари директорлари кенгаши ва «Олдуз» тикунчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кенгаши бош иқтисодчиси М. Н. Муротқўжовага оналари

Меҳринисо АБДИРАСУЛОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташини автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2519-автотрансони жамоаси автокорхона раҳбари Назаров Илмат Хидоят ўлигига онаси

Риқисхон НАЗАРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТИ

Сўнги пайтларда йўловчилар ташийдиган поездларга чипта харид қилиш масаласида ўта оғир вазият юзага келди.

Ўзбекистон Республикасидаги бошқа турдаги йўловчилар транспортига нисбатан энг арзон транспорт воситаси бўлиши темир йўл транспортига ҳам етишиш қийин бўлиб қолди. Чунки сон-саноксиз олғир чайқовчилар темир йўл кассаларида чипталар қолмаган бир пайтда уларни қўп-қўндуз олиб, кейинчалик 3—4 баравар қимматроқ нархларга пулламоқдалар.

Аҳолининг қўпсонли илтимосларига биноан,

ТЕМИР ЙЎЛ

1993 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

транспортда юриш чипталарини йўловчиларининг шахсини тасдиқловчи **ҲУҶЖАТЛАР** (паспорт, ҳарбий билет, хизмат гувоҳнома ва ҳоказолар) **АСОСИДА СОТИШГА ЎТАДИ.**

Йўловчиларнинг чиптаси ва ҳужжатидagi исми-шарифи бир-бирига мувофиқ бўлгандагина поездга чиқишга руҳсат этилади.

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР! Йўл ҳужжатларини бегона шахслардан сотиб олма! Фақат тўғри расмийлаштирилган чипта билангина поездга кетиш ҳуқуқинга эга бўласиз.

САҒАРИНГИЗ КЎНГИЛИ УТСИН!
Урта Осиё темир йўл бошқармаси.

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйдаги турлари бўйича шояшлич ва оддий буюртмаларни **ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108^{1/32}, 70×108^{1/32}, 84×108^{1/16}, 70×108^{1/16};

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун муҳалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, отқирқалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90×120 см. гача;

— рангли бўёқда бажаришга деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг хартоиядан ясалган рангли кутчалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажаришган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғоз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрлаш мuddати қуйдагича:
тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача, асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилноҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшабадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар эътимасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриет-матбаатчилик концернининг босма хонаси.